



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Кичик бизнес корхоналари рискларини суғурталашнинг ташкилий асослари

Каримова Камила Даниёровна

Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: karimovakd@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 16.10.2022

Қабул қилинган вақти: 29.11.2022

***Таянч сўз ва иборалар:** риск, рискларни бошқариш, кичик бизнес, суғурта, суғурта турлари, мол-мулк суғуртаси, жавобгарлик суғуртаси, шахсий суғурта.*

Аннотация

Бозор иқтисодиётининг беқарорлиги шароитида кичик бизнес учун фаолиятни ҳимоя қилишнинг масаласи айниқса долзарб ҳисобланади. Бунда суғурта таъсирли ва самарали восита сифатида кенг эътироф этилади. Ҳозирги кунда кизик бизнесни ривожлантириш уларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий-иқтисодий вазибалар мажмуасини ҳал қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади, хусусан: иқтисодий ривожланишнинг инновацион шаклига ўтиш, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, турли даражадаги бюджетларни солиқ тушумлари ҳисобидан тўлдириш, рақобатни ривожлантириш, иқтисодиётнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади.

Organizational basics of insurance of risks of small business enterprises

Karimova Kamila Daniyrovna

Independent researcher of Tashkent institute of finance

Corresponding author: email: karimovakd@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 16.10.2022

Accepted: 29.11.2022

Keywords: risk, risk management, small business, insurance, types of insurance, property insurance, liability insurance, personal insurance.

Abstract

In the conditions of the instability of the market economy, the issue of protection of activity for small business is especially relevant. In this regard, insurance is widely recognized as an effective and efficient tool. Today, the development of small businesses, their support is a necessary condition for solving a complex of socio-economic tasks, in particular: transition to an innovative form of economic development, filling the market with goods and services, increasing employment and well-being of the population, filling budgets at various levels from tax revenues, competition development, increasing the flexibility and adaptability of the economy is extremely important.

Кириш

Бозор иқтисодиётининг зарурий шарти барқарор тадбиркорлик фаолиятидир. Тадбиркорлик фаолиятининг кенг тарқалган турларидан бири бу кичик бизнесдир. Бошқаришнинг бозор тизимига

асосланган ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес муҳим рол ўйнайди. Ўтиш иқтисодиёти шароитида муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни беқиёсдир. Давлатдан катта

ҳаражатларни талаб қилмасдан кичик ва ўрта бизнес мамлакатдаги ижтимоий вазиятни барқарорлаштиради, ижтимоий танглик ва бандлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади.

Кичик ва ўрта бизнеснинг миллий иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:

- Япли маҳсулотнинг ўсиши;
- солиқ тушумларининг ошиши;
- иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётни таъминловчи рақобатнинг кучайиши;
- иқтисодий модернизация жараёнларининг жадаллашиши.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, кичик корхоналар кичик зарарлар билан мустақил равишда кўраша олишида, аммо катта молиявий йўқотишлар бўлган тақдирда уларнинг бизнес фаолиятлари банкротликка учраши табиийдир. Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий жиҳатдан беқарор хўжалик юритувчи субъектлар бўлиб, ҳозирги иқтисодий шароитда улар фаолиятлари домий равишда рискларга дуч келишмоқда. Демак, кичик корхоналар ва тадбиркорларда ўзларининг мол-мулк ва бошқа мулкӣ манфаатларини суғурталашга объектив равишда эҳтиёж бор. Бироқ, баъзида суғурта компаниялари кичик бизнес субъектлари учун номақбул бўлган суғурта хизматларини таклиф қилишади. Компаниялар томонидан белгаланган суғурта тариф ставкалари жуда юқорилиги ва проварда эса кичик бизнес тадбиркорлари суғурта қилиш эътиборидан четда қолиб кетишмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлари молиявий-иқтисодий ва маъмурий тўсиқларга тез-тез учраб туришади. Кичик бизнес эгалари турли хил салбий оқибатлар ва ҳолатларга энг кўп дучор бўладиган иқтисодий фаол қатлам ҳисобланади. Бундай корхоналарда бозор шароитида қандайдир молиявий ресурсларни жамғариш имконияти деярли йўқ, ноқўлай шароитларда етказилган зарарларни, йўқотишларни қоплаш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш қийин кечади.

Успенский [1] илмий изланишларида қўйидагиларга амин бўлади, рискларни бошқариш муаммоси бу ҳар қандай компаниянинг иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларидаги фаолиятининг энг муҳим жиҳати, шунингдек бу муаммо тадбиркорнинг кундалик вазифаси ва доимий бош оғриғи ҳисобланади. Баъзида корхона раҳбарияти ходимлардан рискни тўлиқ йўқ қилиш, риск зонасидан ташқарида фаолият юритиш ва рискни нолга теглаштириш талаб қилади. Афсуски, рискни бутунлай йўқ қилишнинг иложи йўқ. Юқорида рискни тадбиркорликнинг ажралмас қисми ва фаолиятнинг асоси эканлигини таъкидланди. Агар тадбиркорликда савдо, молиявий ва иқтисодий муносабатлар мавжуд бўлса, унда иқтисодий рисклар алббата юзага келади.

Бокарева ва бошқалар [2] олиб борган тадқиқотларидан қўйидагилар маълум бўлади,

замонавий бизнес юритиш ҳар хил рисклар билан чамбарчас боғлиқ, бу юридик шахслар учун ҳам, якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам бир хил амал қилади. Ўз фаолиятини энди бошлаётган ҳар қандай якка тартибдаги тадбиркор ёки маълум тажрибага эга ва самарали фаолият юритаётган компания раҳбари учун ҳам тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган хатарларни билиши, тушиниши ва бошқариш қобилияти зарурдир. Юридик шахслар – ташкилот ва корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқалар ўз фаолиятини ҳар қандай соҳада амалга ошириш имкониятига эга. У эса ўз навбатида табиий офатлар ва бахтсиз ҳодисалардан тортиб тадбиркорлик рискларигача ҳар хил рисклар билан боғлиқдир.

Бундай шароитда суғурта муваффақиятли бизнес учун зарурий шарт деб ҳисобланиши мумкин, чунки бу бизга корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ва уларнинг таъсирини минималлаштиришга имкон беради.

Безденежных ва Протасов [3] тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлайилар, яъни ҳозирги кунда суғурта рискларни тақсимлашнинг анъанавий ва кенг тарқалган усули ҳисобланади. Бу усул баъзи кутилатган рискларни суғурта компаниясига яъни ҳамкорга узатиш билан таснифланади. Шундай қилиб, корхона фақат суғурта қилинмаган рисклар учун жавобгар бўлади, суғурта компанияси эса суғурталанган рисклар учун жавобгарликни олиб боради.

Экажева [4] ўз илмий ишларида қўйидагиларни таъкидлайди, замонавий шароитда кичик бизнега кўплаб рисклар таҳдид солмоқда, улар орасида юқори даражадаги кардлар қўнимсизлиги, истеъмол бозорлари сифимининг пасайиши, маҳсулот, хизматлар ишлаб чиқариш ва сотишда йирик компанияларга боғлиқлик (тобёлик), менежерлар орасида бошқарув тажрибасининг етишмаслиги, заиф ресурс базаси ва тор ассортиментдаги маҳсулотлар.

Набугоровна [5] фикрига кўра суғурта рискни камайтиришнинг энг муқобил ва кенг тарқалган усулларида биридир. Унинг ёрдами билан корхона деярли барча мулкларини, шунингдек кўплаб сиёсий, кредит, тижорат ва ишлаб чиқариш рискларини минималлаштириш мумкин. Муаммо шундаки, суғурта компаниялари билан муносабатлар стратегиясини белгиловчи корхона суғурта бозорини яхши билиши ва ҳар бир қабул қилинаётган қарорига мос муқобил суғурта шартномасини танлаши керак.

Силаева [6] фикрига кўра, тадбиркорлик рискларини бошқариш усулларида бири бу суғуртадир. Кичик бизнесни суғурталаш зарурияти унинг ўзига хос бўлган учта асосий хусусият билан изоҳланади:

- 1) паст молиявий барқарорлик;
- 2) чекланган молиявий захиралар;
- 3) доимий ривожланиш зарурати.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида кичик бизнес фаолиятини рисклардан ҳимояланиш асосида суғурта

муносабатларининг вужудга келиши ва шаклланишининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантикий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Бугунги жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес фаолияти тўхтаб қолиши, узилишлар ва банкротликаа олиб келадиган мураккаб ички ва ташқи таҳдидларга дуч келмоқда. Улар ташқи ва ички риск омилларига жуда сезгир бўлишади. Аслида, кичик бизнеснинг фоиздан ортиғи ўз фаолиятини биринчи йилда, 95 фоизи биринчи беш йилда тугатилиб кетади. Уларнинг ташқи ва ички омиллар таъсиридан заифлиги сабабли иқтисодиётнинг ушбу секторини бутун дунёда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий фаровонлик учун жуда муҳимдир.

Кичик бизнес рисклари манбаларининг кўпчилигини амалда бўлган стандартларга боғлаб бўлмайди. Рискларнинг турли шаклларда бўлиши ва турли йўллар билан таснифланиши мумкин. Илмий тадқиқотларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик рискларини гуруҳлашда турлича ёндашувлар мавжуд ва уларнинг ҳаммаси турличадир.

Бундай хилма-хил ёндашувлар асосида ва кичик бизнеснинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кўйида фаолиятга оид асосий рисклар таснифи келтирилган. Ушбу тасниф кичик бизнесга энг кўп таҳдид соладиган рискларни ҳисобга олади:

- Ходимлар (персонал) билан боғлиқ рисклар (ходимларнинг хавфсизлиги, соғлиғи ва ногиронлиги билан боғлиқ рисклар; кадрлар қўнимсизлиги rischi; ходимларни нотўғри танлаш ва ходимлар ўртасида ваколат, мажбуриятларини нотўғри тақсимлаш rischi; корхонанинг асосий шериги/ҳамкори / акциядори ёки раҳбарининг кассаллиги/ногиронлиги ёхуд улими rischi, малакали ходими ёки интеллектуал мулкни йўқотиш rischi; раҳбарият ва ходимларнинг тажрибасизлик rischi; ходимларнинг

ҳаракатчанлиги ва хизмат сафарлари билан боғлиқ рисклар);

- молиявий рисклар (даромадни йўқотиш rischi; ликвидилик rischi; жалб қилинган капиталнинг юқоририлиқ rischi; кредит rischi; ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятининг тўхтаб қолиш rischi);
- мол-мулк етказилган зарар билан боғлиқ рисклар (табиат рисклари; ёнғин rischi; сувнинг таъсири rischi; электр токининг таъсир rischi; асбоб-ускунанинг бузилиш rischi; инфорацион риск; учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари rischi; транспорт рисклари);
- жавобгарлик билан боғлиқ рисклар (учинчи шахсларга зарар етказиш rischi; ходимларга зарар етказиш rischi; атроф-муҳитга зарар етказиш rischi);
- манфатдор томонлар/стейхолдерлар билан ўзаро муносабатлар rischi (мижозлар; инвесторлар; субпудрачилар ва етказиб берувчилар; давлат органлари ва ҳ.к.).

Тез ўзгарувчан ташқи муҳит ва юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳодисалар туфайли ортиб бораётган ноаниқлик шароитида рискларни тўғри бошқариш кичик бизнес корхоналарининг муваффақиятли ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга ва у бундай корхоналарнинг барқарорлигини сезиларли даражада мустаҳкамлаш гарови бўлиши ҳам мумкин. Кичик корхоналарда рискларни бошқаришнинг оптимал тизимини жорий этиш зарурати корхонанинг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин бўлган рисклар, асбоб ускуналарнинг эскириши, инсон омилнинг таъсири, табиий офатлар ва бошқалар таъсири натижасида турли бахтсиз ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган зарарлар билан чамбарчас боғлиқлиги билан асосланади. Компания фаолиятининг дастлабки кунларидан рискларни бошқариш амалиётини тўғри қўллаган кичик бизнес егалари ўз компанияларининг яшаб қолиш имкониятига эга бўладилар. Потенциал рискларни камайитиришга ва улар олдини олиш бўйича чора-тадбирлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кичик бизнеснинг асосий рискларини бошқариш чора-тадбирлари

	Рисклар	Рискларни бошқариш тадбирлари
Ходимлар (персонал) билан боғлиқ рисклар	Ходимларнинг хавфсизлиги, соғлиғи ва ногиронлиги билан боғлиқ рисклар	Бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш (сабаб ва оқибатларини тавсифлаш) ва тажрибага асосланган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб ишлаб чиқиш; ходимларни ўқитиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш стандартларига мувофиқ тадбирларни амалга ошириш; ходимлар учун ҳимоя воситаларини сотиб олиш; хавфсизлик қоидаларига мувофиқ фаолият олиб бораётган ходимларни рағбатлантириш (бонуслар, мукофотлар); ходимлар ўртасида ижобий муносабатларни таъминлаш; ходимлар ҳаётини бахтини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш
	Кадрлар қўнимсизлиги rischi	Фавқулодда ҳолатларни режалаштириш; иш жойи шароитларини муҳокама қилиш ва ечимини жамоавий излаш; пенсия суғуртаси
	Ходимларни нотўғри танлаш ва ходимлар ўртасида	Ҳар бир ходимнинг касбий маҳоратини баҳолаш; ходимларни ишга қабул қилишда тиббий кўрикдан ўтказиш; янги ходимлар учун ўқув дастурларини жорий этиш

	ваколат, мажбуриятларини нотўғри тақсимлаш rischi	
	Корхонанинг асосий шериги/ҳамкори / акциядори ёки раҳбарининг кассаллиги/ногиронлиги ёхуд улими rischi, малакали ходими ёки интеллектуал мулкни йўқотиш rischi	Корхонанинг асосий шериги ёки асосий акциядорининг ҳаётини суғурталаш; интеллектуал мулкни суғурталаш; асосий ходимларни суғурталаш; бизнес эгасини суғурталаш; иш вақтини оптималлаштириш; услуксизликни ва давомийликни режалаштириш
	Раҳбарият ва ходимларнинг тажрибасизлик rischi	Ходимлар малакасини ошириш; тегишли соҳа тенденцияларини кузатиш (семинарлар ва амалиётларда қатнашиш); директор ва ходимларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш
	Ходимларнинг ҳаракатчанлиги ва хизмат сафарлари билан боғлиқ riskлар	Суғурта компаниялари тавсияларини бажариш; йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш; ҳайдовчиларни ўқитиш; тезликни чеклаш; автотранспорт воситаларини текшириш ва мунтазам техник кўриқдан ўтказиш; хавфсизлик даражаси юқори бўлган автомобилларни сотиб олиш; йўналишларни режалаштириш
Молиявий riskлар	Даромадни йўқотиш rischi	Замонавий бошқарув ҳисоби тизимини жорий этиш; харажатларни аниқ ҳисоблаш; сотиш ҳажми, операцион фойда, капитал рентабеллигини тавсифловчи асосий кўрсаткичларни ҳисоблаб бориш
	Ликвидлилик rischi (тўловга лаёқатлилик)	Мижознинг кредит лойиқатини мунтазам текшириш; ликвидлик даражасини сақлаб туриш (байрамлар, турли солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари бюджетда ҳисобга олиниши керак); тўловларни вақтинчалик узилишлар режасини банк билан олдиндан муҳокама қилиш; кунлик, ҳафталик ва ойлик кассаларни бошқариш; пул оқимларини назорат, прогноз қилиш (таҳлил қилиш); кредит линияларини очиш; банклар билан мустақам алоқалар ўрнатиш; бозор тебранишларини таҳлил қилиш ва уларнинг фаолиятга таъсирини ўрганиш
	Жалб қилинган капиталнинг юқоририликлари rischi	Давлат субсидияларини таҳлил қилиш; бухгалтерия ва аудиторлик компания вакиллари билан мунтазам алоқа ўртатиш; янги бизнес ҳамкорларни излаш
	Кредит rischi	Дебиторлик қарзларни суғурталаш, мижознинг кредит ҳолатини текшириш
	Ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятининг тўхтаб қолиш rischi	Ишлаб чиқариш фаолиятидаги узилишлардан кўриладиган зарарларни суғурталаш; бошқа корхоналар фаолиятидаги узилишлар оқибатлари ва натижаларини баҳолаш; бизнеснинг узилишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни баҳолаш
Мол-мулкка етказилган зарар билан боғлиқ riskлар	Табиат riskлари	Мол-мулкни табиат ҳодисаларидан суғурталаш
	Ёнғин rischi	Ёнғиндан мол-мулкни суғурталаш; ходимларни ўқитиш; эвакуация режасини ишлаб чиқиш; ёнғин сигнализациялари ва пуркагичли ёнғин ўчириш тизимларини ўрнатиш; ёнувчи материалларни тўғри сақлаш ва бошқалар
	Сувнинг таъсири rischi	Ҳимоя ускуналари ва чангни ютиш материаллар фойдаланиш; сувдан зарарланишни суғурта қилиш
	Электр токининг таъсир rischi	Электр токидан суғурталаш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш
	Асбоб-ускунанинг бузилиш rischi	Ускуналарга техник хизмат кўрсатиш; ускуналарни ишлатиш йўриқномаларига риоя этиш; муҳим асбоб-ускуналар ва механизмлар учун эҳтиёт қисмлар бўйича келишувларга эришиш ва уларни таъминлаш; суғурталаш
	Информацион риск	Маълумотларни заҳиралаш, ҳужжатларни нусхалаш бўйича аниқ кўрсатмалардан фойдаланиш, компьютерларга пароллар, антивируслар ўрнатиш; сервер ва тармоқни ҳимоя қилиш; узлуксиз электр таъминотини таъминлаш
	Учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари rischi	Мунтазам хавфсизлик текширувлари; кузатув камераларини, сигнализацияларни ўрнатиш, ўғирликдан суғурта қилиш
	Транспорт riskлари	Турли хил ташиш вариантларини ўрганиш ва оптималини танлаш; суғурталаш

Жавобгарлик билан боғлиқ рисклар	Учинчи шахсларга зарар етказиш rischi	Товар ва хизматларнинг хусусиятлари (олди-сотди шартномаси), томонларнинг мажбурият ва жавобгарлигини оқиқ белгилаш, шартномани тузишда юрист хулосаси, фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш, атроф-муҳитга зарар етказиш жавобгарлиги суғуртаси, иш берувчининг жавобгарлигини суғурталаш, маҳсулот ва хизматлар сифати жавобгарлигини суғурта қилиш
	Ходимларга зарар етказиш rischi	
	Атроф-муҳитга зарар етказиш rischi	
Манфаддор томонлар/стейхолдерлар билан боғлиқ рисклар	Мижозлар билан боғлиқ рисклар	Реклама тадбирларини ўтказиш, кўргазмаларда иштирок этиш, мијозлар базасини кенгайтириш, янги мијозларни излаш; доимий мијозларга чегирмалар бериш, сотишдан кейин хизмат турлари; узоқ муддатли шартномалар тузиш; маҳсулот ва хизматлар сифати бўйича сўровлар ўтказиш, рақобатчилар нархларини таҳлил қилиш; кафолатлар бериш, янги маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш; истеъмолчи тенденцияларини ўрганиш
	Инвесторлар билан боғлиқ рисклар	Банк ва инвесторлар билан мунтазам учрашувлар
	Субпудрачилар ва етказиб берувчилар билан боғлиқ рисклар	Рискни субпудрачиларга ўтказиш, муқобил етказиб берувчиларни излаш, шартнома тузишда юрист иштироки, субпудрачининг кредит ҳолати ва тўлов қобилиятини текшириш, мавжуд етказиб берувчилар билан узоқ муддатли шартномалар тузиш

Манба: адабиётлар таҳлили натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

Миллий бозорда суғуртанинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, одатда улар қутилмаган вазиятларда бизнесни ҳимоя қилиш имконини беради. Суғурта компанияларининг таклифлари кенг қамромли комплекс суғурта ҳимоясини, шунингдек суғуртанинг битта турини ўз ичига олган ҳолда индивидуал тартибда тақдим этилиши мумкин.

Ривожланган суғурта бозори ва тадбиркорлик соҳасига эга мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес рискларини суғурталаш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Кичик бизнесни ривожлантириш билан бир қаторда, ушбу соҳада суғурта компанияларининг таъсири ҳам ривожланиб бормоқда. Шу муносабат билан, мамлакатда кичик бизнесни суғурталашни ривожлантириш ортда қолаётгани ушбу соҳада суғурта турларини жадал ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ушбу соҳада жиддий ўзгаришларни амалга ошириш кераклигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда ва бу ўзгаришлар ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида одатий ҳолга айланиши керак. Шундай қилиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рискларини комплекс суғурталашни лозим даражада ривожлантириш учун қўйидаги муаммоларни ҳал қилиш зарур.

Яхши ривожланмаган андерайтинг. Тадбиркорлик рискларини суғурталаш бу индивидуал жараён бўлиб, у суғуртага олинган рискларни тўлиқ баҳолайдиган ва суғурта мукофотини тўғри ҳисоблайдиган, ҳўжалик субъектлари билан суғурта шартномаларини тузиш имкониятига эга бўладиган малакали андерайтерларни талаб қилади.

Суғурта компанияларига бўлган ишончининг йўқлиги. Суғурта компаниялари фаолиятини баҳолаш мезонларидан бири бу мијозлар олдидаги мажбуриятларнинг бажаришидир. Ўз мажбуриятларини тезкор, профессионал ва виждонан

бажариш суғурта соҳасининг мутлоқ ҳолатини белгилайди, бу эса аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида соҳага бўлган ишончини шакллантиришга ёрдам беради. Дарҳақиқат суғурта компанияларининг обрўси бевосита ушбу омилларга, мијозлар олдидаги мажбуриятларнинг сифатли бажарилишига боғлиқдир ва уларнинг бажарилиши мијозлар томонидан баҳолашиб борилишидир.

Суғурта имкониятлари борасида тадбиркорларнинг маълумотларга эга эмаслиги. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг ҳозирги ҳолатининг хусусиятларидан бири бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта соҳасининг мавжуд имкониятлари тўғрисидаги маълумотлардан хабардор эмасликлари. Кичик бизнесни суғурталашга бўлган талабнинг йўқлигини асосан суғурта орқали рискларни бошқариш имкониятлари ва усуллари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, суғурта қоидалари ва шартнома шартлари, атама ва тушунчалари ҳар доим ҳам суғурталанувчиларга тушунарли бўлавермайди.

Суғурта тарифларини белгилаш, зарар миқдори ва суғурта қопламасини аниқлаш муаммоси. Баъзида тижорат ва тадбиркорлик рискларини суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотларининг тарифларини ҳисоблаш жуда қийин кечади. Бундан ташқари, суғурта ҳодисаси юз берганда зарарни баҳолаш, ҳисоблаш жараёнлари бўйича аниқ методологик ёки стандартлар мавжуд эмас.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларга қўшимча равишда хусусий ва кичик бизнесни суғурталашни ривожлантиришга ва суғурта компаниялари фаолиятига боғлиқ бўлмаган бошқа бир қатор муаммолар ҳам мавжуддир.

Биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнес учун юзага келиши мумкин бўлган моддий йўқотишларни (ёнғин,

авариялар, ўғирлик) олдиндан билиш жуда қийин. Мумкин бўлган зарарлар оқибатларини камайитириш бу ҳар бир тадбиркорнинг ихтиёридадир. Бироқ, Ўзбекистон суғурта бозорида кўплаб суғурта компанияларининг мавжудлигига қарамасдан кўплаб тадбиркорлар суғурта хизматларидан фойдаланишга шошилмаяптилар.

Хусусий ва кичик бизнес фаолиятидаги рискларни суғурталаш турлари ривожланишининг муҳим омили сифатида суғурта бозори инфратузилмасининг паст даражада ривожланиши ҳисобланади. Суғурта

субъектларининг (суғурта брокерлари, суғурта сюрвейерлари ва аджастерлар) суғурта жараёнлари, яъни суғуртага қабул қилинаётган объектлари баҳолаш, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги иштирок этиши республикада қоникарли даражада эмас. Бироқ, халқаро амалиётда шуни кўришимиз мумкинки бу суғурта институтлари хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта бозорини ривожланишида ва фаолият кўрсатишида муҳим рол ўйнайди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, риск омилларининг кичик бизнес фаолиятига таъсир хусусиятларини таҳлил қилиш рискларни бошқаришнинг асосий камчиликларини аниқлаш шуни кўрсатдики уларни ҳимоя қилишнинг энг мақбул усули суғурта эканлиги намоён бўлди. Кичик бизнес рискларини суғурталашнинг ривожланмаганлигини кўйидаги сабаблар билан изоҳланади:

❑ Кичик бизнес вакилларида кичик бизнес рисклари тўғрисида етарли даражада хабардор эмасликлари, уларнинг молиявий имкониятлари чекланганлиги;

❑ суғурта компаниялари учун тегишли молиявий кўрсаткичларнинг йўқлиги ёки камлиги;

❑ суғурта компанияларнинг кичик бизнес рискларини суғурталашга хоҳишларининг пастлиги, буни улар унинг рентабеллиги билан изоҳлашади.

Кичик бизнесни суғурталашни ривожлантиришни рағбатлантирувчи омилларга кўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин, солиқ имтиёзлари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида суғурта мукофотларини қоплаб бериш, шунингдек давлат буюртмаларининг бир қисмини кичик бизнесга бериш.

Суғурта бозори инфратузилмасини яратиш кичик бизнес суғуртасини ривожлантириш чора-тадбирлари тизимида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунда суғурта бозори ривожланиши шаклланаётгани кичик бизнеснинг барқарорлигига ижобий таъсири давлат учун фойдали ҳисобланади. Қолаверса суғурта бу барқарор иқтисодиётга сармоя саналади. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари кичик бизнесга ўтиш йўлидан бормоқда.

Кичик бизнес рискларини суғурталаш кенг миқёсда ривожлантириш мақсадида суғурта қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш, солиқ имтиёзлари ва субсидиялар жорий этиш, суғуртага бўлган ишончни оширишда суғурта ҳақидаги маълумотларни яхшилашга қаратилган чораларни кўриш зарур. Илғор тажрибаларни ўрган ҳолда амалиётга кичик бизнес фаолиятини суғурталаш бўйича манзилли суғурта хизматларини яратиш ва уларни истеъмолчиларга етиб боришини таъминлаш муҳим саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Успенский В.А. Управление риском: как эту проблему трактует современная экономическая теория // Мир новой экономики. 2007 – №2 - с. 29-48.
2. Бокарева Е. В., Силаева А. А., Дуборкина И. А. Развитие малого бизнеса в России: проблемы и пути решения // Сервис в России и за рубежом. 2016. Т. 10. № 1 (62). С. 174–185.
3. Безденежных В.М., Протасов К.А. Особенности риск-ориентированного подхода при управлении малым и средним бизнесом. Интерактивная наука | 5 • 2016. 69-73 стр.
4. Экажева Т.Д. Управление рисками на предприятиях малого бизнеса. АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2019. 33 стр.
5. Набугорнова В. Н. Риски в деятельности малого и среднего предпринимательства и способы их минимизации // Молодой ученый. - 2015. - №11.3. - С. 60-63.
6. Силаева А. А. Особенности имущественного страхования субъектов малого бизнеса: взаимодействие страхователя и страховщика // Сервис plus. Т. 11. 2017. № 2. С. 57-65. DOI: 10.22412/1993-7768-11-2-7.